

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ ИРОДАВИЙ, ТАШАББУСКОР ҚИЛИБ
ТАРБИЯЛАШ

ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ ЖЕЛАНИЕ, ИНИЦИАТИВА

RAISING CHILDREN IN THE FAMILY WILLING, INITIATIVE

М. Усманова, ЖДПИ катта
ўқитувчи

Г.Қўзиева, МТМ 2- курс
талабаси

Аннотация. Ирода – инсоннинг онгли равишда қўйилган мақсад сари ҳаракат қилиш қобилиятидир. Бунда у ташки ва ички тўсиқларни енгиб ўтади. Болада ироданинг ривожланиши илк даврларда ҳаракатларни бошқариш қобилиятига эришишдан бошланиб, узок йулни босиб ўтади.

Калит сўзлар Комил инсон, ирода, мулоқот, тарбия, ота-она, қобилият

Annotation. Willpower is the ability of a person to consciously move towards a goal. In doing so, it overcomes external and internal obstacles. The development of the child's will in the early stages begins with the acquisition of the ability to control movements and goes a long way.

Keywords Perfect person, will, communication, upbringing, parenting, ability

Аннотация. Сила воли – это способность человека сознательно двигаться к цели. При этом он преодолевает внешние и внутренние препятствия. Развитие воли ребенка на ранних этапах начинается с приобретения способности управлять движениями и проходит долгий путь.

Ключевые слова Совершенный человек, воля, общение, воспитание, воспитание, способности

Маълумки, бола илк таъсуротни оиладан олади. Шунинг учун оилада боланинг биринчи тарбиячилари ота-оналаридир, уларнинг феъл-атвори, хаттиҳаракатлари, мулоқот маданиятлари адбатта болаларининг тарбиясига таъсир этмай қолмайди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Болалар оила муҳитидан, оилага хос анъаналарни, қадриятларни, урф-одатларни ўзлаштирадилар, дунёқарашларини шакллантирадилар. Муҳими, улар

оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайдилар унга амал қилиш, лозимлигини ҳис этадилар. Негизи – тарихий, диний, миллий кадриятларга туташ бўлган болалар тарбиясига доир методик рисола, тавсия ва қўлланмалар бадий адабиётлар нашр этилди. Комил инсонни тарбиядаш учун барча имкониятлар яратилди. Дарҳақиқат, барча соҳаларда бўлгани каби инсон ҳаётида ҳам болаларнинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараён дир. Гулзордаги гуллар турлича бўлгани каби болаларнинг руҳий-ҳиссий ҳолатлари, феъл-атворлари, характер- хусусиятлари ҳам турлича эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, болалик ҳаётининг ҳар бир даври, ўзгариб туриши, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга бўлади. Демак, болалик оламини бир хилда эмас, турфа рангларда тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ. Шуниндек, баъзи болалар воқеа-ҳодисаларга ҳадиксираб қарайдиган, хавотирланувчи, суст, бўш, яъни иродаси кучсизроқ бўлишади. Баъзилари эса, ҳаракатчан, дадил, кўрқмас, ботир, вазиятларга бардошли, яъни кучли ирода соҳиби бўлишади. Аниқ мақсад сари дадил интиланган, ва унга эришишни ўзининг фуқаролик бурчи деб билган, қалби эзгуликлар нури билан лимо-лим инсонларни баркамол шахслар деб биламиз. Шахслар жамият манфаатдари учун хизмат қилувчи олий фазилатли инсонлар дир. Шунинг учун тарбияда «Болани қандай қилиб иродали, ташаббускор қилиб тарбиялаш мумкин?», деган саволга жавоб излайдилар. Ирода – инсоннинг онгли равишда қўйилган мақсад сари ҳаракат қилиш қобилияти дир. Бунда у ташки ва ички тўсиқларни енгиб ўтади. Болада ироданинг ривожланиши илк даврларда ҳаракатларни бошқариш қобилиятига эришишдан бошланиб, узок йулни босиб ўтади. Аста секин болада ўз хоҳишини ифодалаш ва аниқ мақсадга интилиши қобилияти ривожланади. Бошқача қилиб айтганда ўз-ўзини бошқариш иродаси шаклланади. Хомилалик, туғилиш ва ривожланишнинг илк даврида болада куйидаги «ҳавф-хатар омиллари» сезилса, жиддий ташвишланиш керак: - гипоксия (бола миясининг кислород билан етарлича озикланмаслиги); - муддатидан олдин туғилиш;

- уч ёшгача оғир кечган инфекцион касалликлар; - гиперфаолиқва бошқалар. Бола рухияти таъсирчан булади. Етказилган «зиёнлар»га қарамай мия унинг ўрнини тўлдириш қобилиятига эга. Аммо тўлақонли тикланиш учун ёрдам керак. Тарбиядаги қуйидаги хатолар иродавий ҳислатларнинг шаклланишига тўсқинлик қилади. - Болани ҳаддан ташқари эркалиб, унинг барча истаклари сўзсиз бажарилса ёки бола катталарнинг қатъий назорати остида ўсса. - Боланинг ўзи қарор қабул қилишга қодир бўлмаслиги. - Унинг хоҳишлари инобатга олинмаслиги. Ундаги иродавий шижоатни бошқа болалар билан солиштириш, яъни «Сен ҳеч бир ишни охиригача етказа олмайсан», «Исмоилжон бу ишни яхшироқ урдалайди. - Бола бажариши керак бўлган ишни унинг ўрнига бажармаслик, аммо унинг муваффақияти учун шароит яратиш. - Боланинг мустақил фаолиятини рағбатлантириш, унда эришилган натижадан хурсанд бўлиш ҳиссини уйғотиш, болада қийинчиликларнинг енгиб ўтиш қобилиятига ишончни ортириш. - Катталар томонидан болага қўйилган талабларнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш, болани мустақил фикрлашга бажарган ишлари ҳақида қарор қабул қилишга йўналтириб, бурч ва ваъифаларини амалга оширишга ундаш. Болаларнинг иродасини ва ташаббускорлигини шакллантиради. Бола тарбиясида мулоқатлар намунасинингмақсади ва танлови тўсиқларни енгиб ўтиш, ҳаракатларни амалга ошириш, режалаштириш, олдиндан айтиш, баҳолаш ва бошқалардан иборат. Қуйида берилган маълум бир ўйин ва топшириқлар ҳам болалар иродасини мустаҳкамлашга қаратилган. Болалар ривожланишининг ушбу хусусиятлари ҳақида унутмаслик керак: иродавий тиришқоқлик асосида хоҳиш— истак ётади. Бусиз инсон ўзини енгиб ўта олмайди. Болада хоҳиш истаклар пайдо бўлиши учун таассуротлар керак. Бола ҳаётдан қанча кўп ёрқин ҳиссий таассуротлар олса, шунча тез рўй бераётган ўзгаришларда фаол қатнашиш истаги пайдо бўлади. Товушлар, мусиқа, турли воситалар ва ўйинчоқлар, ота-онасининг меҳри - буларнинг барчаси кичкинтой истакларининг уйғонишига имкон туғдиради. Айниқса рағбатлантиришга ўта хотиржам, камҳаракат гўдаклар муҳтож. Кичкина

боланинг биринчи иродавий ҳаракатини осонгина кўриш мумкин: у кеча фақатгина ўрни устида илиб кўйилган ўйинчоқларни кузатса, бугун ўйинчоқларни яқинроқдан кўргиси, кўли билан ушлагиси келади. Қизиқувчан кичкинтойлар кўрганларининг барини ушлаб олишга интиладилар. Боланинг хоҳиш – истаклари ва уларга эришиш учун зарур бўлган ҳаракатлар ўртасида алоқани англаши учун яна бир машғулот, яъни кичкинтойни қорни билан ётқизинг ва озгина масофа нарида қўл билан олиш мумкин бўлган ўйинчоқни кўйинг. Эртасига ўйинчоқни янада узоқроққа, бола кўли билан чўзилиши ва эмаклаши мумкин бўлган масофада жойлаштиринг. Ривожланаётган кичкинтой фаолроқ ҳаракат қилиб, юришни бошласа, хоҳиш – истакларининг кучини ҳис этишига имкон беринг. Тақиқлар хаддан ташқари кўп бўлиши керак эмас. Яхшиси, уйда беҳатар шароит яратинг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Mirziyoyev Sh. M. — “Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq– farovon hayotning, do’stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir mavzusidagi O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasi. — Xalq so’zi gazetasi 2018 yil 8 dekabr.
2. Шаталов В. Ф. Город в облаках. повесть, эссе, раздумья В. Ф. Шаталов. — Донецк: «Донбасс», 2008. — 381 с.
3. Azizxo‘jaeva N.N. O‘qituvchi mutaxassisligiga tayyorlash texnologiyasi. –Т.: TDPU, 2000. – 52 б. 8. Goziev Yo.Yo. «Umumiy psixologiya» 1-2tom.Toshkent-2002 y.
4. M Usmonova. [Kichik maktab yoshdagi bolaning motivatsiya sohasi rivojlanishi: Kichik Maktab Yoshdagi Bolaning Motivatsiya Sohasi Rivojlanishi,- Журнал дошкольного образования, 2021](#)

5.Usmanova, M. (2020). 6-7-YOSHLI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA TA'LIMIY MASHG'ULOTLARNING O'RNI. *Мактабгача таълим журнали*, 1(1). Retrieved from <https://matinfo.jspi.uz/index.php/presedu/article/view/147>

6.Usmanova,M (2021). Bolalarda muloqot ko'nikmalarini shakllantirish. *Мактабгача таълим журнали*, 3(Preschool education journal). Retrieved from <https://matinfo.jspi.uz/index.php/presedu/article/view/3973>